



СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИК МАДАНИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шавкат Яхшибаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7710593>

Аннотация: Ушбу мақола сиёсий маданиятни шаклланишида ишбилармонлик маданиятининг таъсири ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Жамиятлардаги ишбилармонликнинг ўзига хослиги, фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган. Ғарб ва Шарқ жамиятларидаги ишбилармонлик маданияти фуқароларнинг сиёсий маданияти шаклланишидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги сиёсий маданиятнинг шаклланиши жараёнлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: сиёсий маданият, ишбилармонлик маданияти, фуқаролик жамияти, маноактив маданият, полиактив маданият, реактив маданият.

Аннотация: В данной статье описывается влияние деловой культуры и ее особенности на формирование политической культуры. Показаны уникальность и различные аспекты предпринимательства в обществах. Анализируется роль и значение деловой культуры в западном и восточном обществах в формировании политической культуры граждан. Также был рассмотрен процесс формирования политической культуры в Узбекистане. Ключевые слова: политическая культура, деловая культура, гражданское общество, маноактивная культура, полиактивная культура, реактивная культура.

Abstract: This article describes the influence of business culture and its specific features in the formation of political culture. The uniqueness and different aspects of entrepreneurship in societies are shown. The role and importance of business culture in Western and Eastern societies in the formation of political culture of citizens is analyzed. The process of formation of political culture in Uzbekistan was also considered.

Key words: political culture, business culture, civil society, manoactive culture, polyactive culture, reactive culture.

Ўзбекистонда кейинги йилларда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил ислохотлар олиб борилмоқда.





Ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаган, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошкора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаган.

Ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий-хом ашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиб бериш катта вазифалардандир.

Турли даврларда, турли хил цивилизацияларда, турли мамлакатларда ва жамиятларда ўзига хос ишбилармонлик маданияти шаклланган ва шаклланмоқдаки, улар бизнес юритиш услубида, агрессивликда, низоларни ҳал қилиш қобилиятида намоён бўлади ва бир биридан фарқланади. Бу эса табиийки, сиёсий миллий маданиятларнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилади.

Биринчидан, бунга сабаб сиёсий ва бизнес элита ҳамда иқтисодий ҳаёт ва сиёсат ўртасидаги яқин муносабатлардир. Одамларнинг бизнесдаги хатти-ҳаракатларини белгилайдиган миллий бизнес маданияти муқаррар равишда сиёсий маданиятга таъсир қилади: сабаби, барча сиёсат "иқтисодиётнинг концентрацияланган ифодаси" деган қарашнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Иккинчидан, сиёсий ҳаётни тавсифловчи ўзига хос муносабатлар ва технологияларни одамлар ва ташкилотлар ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларининг бир қисми сифатида ўрганиш мумкин. Учинчидан, миллий ишбилармонлик маданияти тушунчалари — уларнинг долзарблигини исботлаган узоқ муддатли илмий тадқиқотларга асосланганлиги билан муҳимдир. Ушбу ёндашувда Г. Алмонд ва С. Вербанинг психологик йўналтирилган ва баҳоловчи моделига қараганда анча объектив тавсиф берилади. Ва баъзи моделлар ижтимоий ва шахслараро мулоқотни ташкил этиш имкониятини беради, бу сиёсий





тажриба ва маданиятнинг ташкил этилиши ва динамикасини ўрганиш учун жуда муҳимдир.

Турли жамиятлар маданиятида шаклланган ишбилармонлик маданиятларини ўзаро таққослаш алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу ерда иккита асосий ёндашув мавжуд: тарихий (диахроник) ва типологик (синхрон). Биринчи ҳолда, биз турли хил цивилизациялар ва даврларнинг бизнес маданиятини таққослаш, уларнинг динамикаси ва давомийлиги ҳақида гапиришимиз мумкин. Иккинчиси – турли миллатларнинг ишбилармонлик маданиятини таққослаш. Халқаро ва маданий алоқалар, шу жумладан сиёсий алоқалар амалиётида кенг қўлланиладиган миллий бизнес маданияти типологияларини таклиф қилган Г. Хофстеде ва Р. Льюиснинг ёндашувлари бу борада энг самарали бўлиши мумкин.

1960-1980 йилларда Г. Хофстеде томонидан олиб борилган бошқаришнинг миллий маданий турларини таҳлил қилиш тадбирлар дунёнинг 70 мамлакатадаги 60 мингдан ортиқ респондентларнинг фикрини ўрганди. Ўтказилган сўровларда уларнинг ишига муносабати, ҳаётий мақсадлари, раҳбарларга, ҳамкасбларига бўлган муносабати, ишлаб чиқариш масалалари бўйича фикри батафсил ўрганилди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, ишбилармонлик маданиятини шакллантиришга миллий ва этник маданиятларнинг бизнес-жараён иштирокчиларининг маданий ўзига хослигини белгилайдиган асосий қадриятлар таъсир қилади. Г. Хофстеде миллий бизнес маданияти турлича бўлган тўртта асосий мезонни белгилаб берди:

Шу асосда амалга оширилган типология ўзаро таъсир моделларини, музокаралар стратегиясини ва турли хил ишбилармон маданиятлар вакиллари ўртасида ҳамкорликнинг бошқа шакллари яратишга имкон беради. Халқаро маданиятлар ва тилларни ўқитиш институти президенти Р. Льюис амалий мақсадлар учун муҳим типологияни таклиф қилди¹. Унга кўра, фаолиятни ташкил этиш услубига қараб, ишбилармонлик маданиятининг учта асосий турини ажратиш мумкин:

Моноактив (task oriented – вазифага йўналтирилган) – ушбу фаолият муаммоларни ҳал қилишнинг кетма-кет босқичларига бўлиниб, бошқа вазифалар билан чалғитилмаса, муайян муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Бундай ишбилармонлик маданияти англосакс мамлакатлари, Германия, Скандинавия (Финляндиядан ташқари) учун хосдир.

¹ Льюис Р.Д. Деловые культуры в международном бизнесе. От столкновения к взаимопониманию: пер. с англ. - М.: Дело, 2012. - 440 с.





Полиактив (people oriented- одамларга йўналтирилган) - бу бир вақтнинг ўзида бир нечта ишларни бажариши мумкин, улар бир зумда жозибадорлиги жиҳатидан ўзгариб туради ва кўпинча тугалланмайди. Асосий эътибор маълум бир вазифага емас, балки уни ҳал қилиш ва "жараёнда" иштирок этишга қизиққан одамларга қаратилган. Бундай маданиятларга Жанубий Европа, Лотин Америкаси ва Араб мамлакатлари мисоллари келтирилган.

Реактив (respect oriented) – ҳурматга йўналтирилган) маданият режаси бўйича эмас, балки ўзгарувчан шароитга қараб амалга ошириладиган маданиятнинг умумий уйғунлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу турдаги жонли ишбилармонлик маданияти Япония, Хитой, Финляндия учун хосдир².

Ушбу турларнинг ҳар бирига тегишли бўлган ишбилармонлик маданияти бир қатор хусусиятлари билан сезиларли даражада фарқ қилади.

Аввало, ушбу маданиятларни ташувчиларнинг ўзига хослиги, яъни улар томонидан умумий бўлган миллий маданиятларнинг асосий қадриятлари бир бирига таъсир кўрсатади. "Мен-образ" инсоннинг ўзини ўзи англаш ва ўзини тан олишининг ажралмас ва марказий қисмидир, бу инсоннинг фикрлаш тарзини ва ўзини тутишини, ахлоқини белгилайди.

Бу ташқи қиёфада эмас, балки унинг имиджи нимани англатишида намоён бўлади: инсон ўзи билан, бошқа одамлар билан қандай муносабатда бўлишини, ҳаётдаги ўрнини, бошқа одамлар қаторида қандай белгилашини, нимани мақбул деб билишини ва нимани имконсизлигини ўзи учун ўзи ҳал қилади. Биз диний қарашлар, ҳурматга сазовор тарихий шахслар ва воқеалар, миллий қаҳрамонлар, маданият арбоблари, байрамлар, таълим даражаси ва ахлоқий маданият ҳақида, умуман, шахснинг сиёсий маданиятини шакллантирадиган омиллар ҳақида сўз юритяпмиз. Бунда дин ва эътиқод энг муҳим ролни ўйнайди. Моноактив маданиятлар, асосан протестантлик, полиактив маданият католиклик, православлик, қисман – ислом, реактив маданият эса – конфуцийлик, даосизм, чъан (дзен) буддизм билан боғлиқлиги бежиз эмас.

Шахсиятни аниқлашда, яъни маълум бир шахсга оид хусусиятларни тавсифлашда тил асосий рол ўйнайди. Моноактив маданиятлар асосан немис тиллари гуруҳига эга бўлган мамлакатларга хос эканлигини англаш осон. Полиактив – рим тилида, реактив – хитой ва фин-угор гуруҳлари тилларида гаплашишга хос. Миллий тил тафаккур тарзини

² Тульчинский Г. Л. Политическая культура. — М. : Издательство Юрайт, 2015. — 325 с.






шакллантиради, уни билиш кишига тегишли маданиятга кириш имкониятини беради. Чет тилни билмаслик ёки уни яхши билмаслик бизнес ва кундалик мулоқотда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради: оддий муаммолардан ва тушунмовчиликлардан тортиб то бу билан боғлиқ тўсиқларгача.

Дунёқарашдаги фарқлар ҳам жуда муҳим, улар орасида вақтга муносабат ва ундан фойдаланиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Сўз ҳаётнинг боришини, ишни режалаштиришни, кун тартибини белгилайдиган вақтнинг метафизикаси ҳақида бомоқда.

Моноактив маданиятларда вақт объектив ва чизиқли бўлади. Ўтмиш аҳамиятли эмас, аммо ҳозирги кунни тушуниш, қисмларга ажратиш ва келажак учун ишлашга мажбур қилиш мумкин, бу ҳам босқичма-босқич режалаштиришга имкон беради. Натижада, ҳаёт тарзи доимий жадваллар ва бошқалар билан тартибга солинади, чунки одам ўзини вақт чегараларига мослаштиришга мажбур бўлади. Бундай маданият соҳиблари ўз вақтини фақат ишга сарфлагани боис, параллел равишда бир нечта машғулотлар билан шуғуллана олмайди. Улар маълум бир белгиланган вақтда аниқ бир ишни қилишни афзал кўришади, унга асосий эътиборларини қаратишади ва ўз олдиларига қўйган мақсадларига режалаштирилган муддатларда эришишга интилишади. Улар бу орқали кўпроқ ва яхшироқ ишлаяман, деб ҳисоблашади. Қанчалик кўп иш қилсам, муваффақиятли бажарсам, шунча кўп пул топаман, деб ўйлашади. Уларнинг шиори: "вақт бу пулдир". Қизиғи, америкалик, немис ва ҳатто инглизлар учун равшан бўлган бу тамойил италиялик, француз ва ҳатто руслар учун умуман таниш эмас: Собик Иттифокда давлатларида энг муваффақиятли инсон — озгина меҳнат эвазига ўзини катта иш ҳақи билан таъминлай оладиган киши эди.

Полиактив маданиятларда вақт субъектив ва пластикдир, у ўз иш тартибини ўзгартиришга, кейинга қолдиришга осонликча рухсат беради, вақтни "ўзингиз учун" мослаштириш осон, соатга қарамасдан уни бошқаришингиз мумкин, деб ҳисоблашади. Испаниялик ёки араб ҳар бир нарсга учун маълум бир вақт чегараси борлигига қатъий ишонадиган, кечикмасликка интилаётган америкалик ёки немисни тушунмайди. Уларнинг фикрига кўра, одамлар шу билан ўзлари учун умуман кераксиз муаммоларни яратадилар. Кўпинча, вақт ва ҳаётга бундай муносабат моноактив маданиятларга қараганда, самаралироқ эмас. Вазият ўзгарганда ва муҳимроқ савол туғилганда нима учун жадвал ва тартибга





риоя қилиш керак?!. Агар америкалик битта муаммони қатъиян муҳокама қилиб, сўнгра иккинчисига ўтадиган бўлса, мексикалик ёки юнон иккаласини ҳам ҳал қилишга улгуради ва бунинг учун бошқа ишлар ва учрашувларни кейинга қолдириш керак бўлса, улар ҳам худди шу тарзда ҳал қилинади. Ушбу маданиятларда ўтмиш муҳим аҳамиятга эга, ҳозирги замон шу билан асосланади. Шунинг учун полиактив маданият эгаларида ҳаракатлар ва қарорлар моноактив маданиятларда муҳим бўлмаган "нима учун", "ким айбдор" ва бошқалар каби тушунтиришларга муҳтож.

Реактив маданиятларда вақт жуда даврийдир. Аммо одамлар шунга яраша жуда доно бўлиб тарбия топадилар. Шунинг учун шарқона маданият эгалари Ғарбий Европалик ёки Америкаликдан фарқли ўлароқ, қарор қабул қилишга шошилмайди, босқичма-босқич мунозараларни ёқтирмайди, бутун контекстни тушунишга ва масалани илдизига қадар етиб боришга ҳаракат қилади. Аммо кейин, вазиятни тушунгач, у бу ерда яна нимани муҳокама қилиш мумкинлиги ҳақида ҳайрон бўлиб, ҳайратланарли даражада аниқ ва тезкор ҳаракат қилади. Вақт жуда ўткинчи бўлгани учун, ҳаёт ва фаолиятнинг турли босқичларини англатувчи маросимлар жуда муҳимдир. Кўпинча, бундай маросимларга риоя қилиш музокаралар мавзуси ва уларнинг натижаларидан кўра муҳимроқдир – бу бошқа маданият вакиллари онгига умуман мос келмайдиган ҳолат.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жамиятда шаклланган ишбилармонлик маданияти инсонларни сиёсий маданиятини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият кашф этади. Жамиятимиздаги тадбиркорлик маданияти одамларимизнинг сиёсий маданиятида ҳам яққол кўринади. Шу боисдан аҳолида ишбилармонлик маданиятини шакллантириш жамият тараққиёти учун долзарб масалалардандир.

